



## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ФИКР- МУЛОҲАЗАЛАР

**Утепов Дилмурод Шералиевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
кафедраси катта ўқитувчиси, майор  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10430071>

### ARTICLE INFO

Received: 17<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 24<sup>th</sup> December 2023

Online: 25<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Тазйиқ, зўравонлик, аёл, ҳуқуқий асос, профилактика инспектори, ҳимоя ордери, ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларни ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, профилактика инспекторларининг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик масалари ёритилган.*

Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар идораларининг фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда. Ушбу жараён бир қанча жиҳатларда, масалан тизимнинг замонавий техник воситалар билан таъминланишида, ҳар бир маҳаллада ички ишлар органлари таянч пунктлари ташкил этилишида, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлиги янада яхшиланишида кўриш мумкин. Айниқса, жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этишнинг замонавий ва ўзига хос жиҳатларини ўзида мужассам этган янги тактик усуллар орқали жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий фаолият, муносабат ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ҳуқуқ назариясида эса, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқ равишда ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом” тасдиқланган. Мазкур Низом асосида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга нисбатан ички ишлар органлари томонидан ҳимоя



ордерини, шунингдек тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга эса ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартиби белгилаб берилган ва бугунги кунда ушбу жараён амалда хотин-қизларни оилавий-маиший зўравонликдан ҳимоялаш механизмларидан бири бўлиб келмоқда.

Аёллар тазйиқ ё зўравонликка учрагани ҳақида ўз вақтида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, аёлларимиз бундай ҳолларда мурожаат қилишга уялади. Бундай ҳолатларни аниқлашнинг турли хил йўллари бор. Фақат ўзининг жабрланувчининг мурожаати орқали эмас, ён-атрофдагиларнинг ҳам мурожаат этиши мумкинлиги белгиланди. Масалан, жамоатчилик, иш жойларидаги фаоллар, раҳбарлар, маҳалладаги хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислар, кўни-кўшнилари.

Шундай ҳолатлар борки, жабрланувчи ҳам, уни содир этувчи ҳуқуқбузар, яъни тазйиқ-зўравонлик ўтказувчи шахслар ҳам аёллар бўлиб қолиши мумкин. Ўйлантирадиган жиҳати, оила-турмуш муносабатларида содир этилаётган ҳар қандай низоли ҳолатлар авваламбор кўпроқ аёллар ўртасида келиб чиқади: қайнона-келин, опа-сингил, қайнэгачи ва бошқалар. Ички ишлар органлари томонидан ҳимоя ордерини беришда, уни қўллашда ана шу хусусиятлардан келиб чиқиб, эътиборли бўлишимиз керак.

Бизда зўравонлик дейилганида одатда тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатлар тушунилади. Бундан ташқари, иқтисодий, жинсий зўравонлик ҳам бор. Қонун ҳужжатларида шахснинг эрки, ҳуқуқлари тўлалигича кафолатланган. Шахснинг хоҳиш-иродасига зид бўлган ҳар бир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган.

Шу ўринда зўравонлик тушунчасини қуйидагича ифодалаш мумкин, яъни, зўравонлик бу - хотин-қизларга нисбатан жисмоний ва руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёхуд бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига зарар етказиш юилан амалга ошириладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб тушунилади.

Тазйиқ эса, содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўладиган шилқимлик деб кўрсатиб ўтилган, аммо бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги, (41<sup>1</sup>-модда) шахвоний шилқимлик қилиш деб номланган норма киритилган бўлиб, ушбу норманинг диспозициясида, шахвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақирришда ифодаланган, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш деб белгиланган. Ушбу норма орқали белгилаб берилган объект, юқоридаги таърифда келтирилган ҳолатнинг бугунги кунда қонунчиликда акс эттирилганлигини кўрсатади.



Хотин қизларга нисбатан содир етиладиган зўравонликнинг махсус виктимологик профилактикасини ҳуқуқий тартибга солишда жиноят ҳуқуқининг, жиноятлар виктимлигининг олдини олиш, уларни тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш чора-тадбирларини амалга ошириш асослари ва тартиби белгиланган нормалари ҳам муҳимлиги, уларда назарда тутилган санкциялар ҳам хусусий, ҳам умумий превенция вазифаларини ҳал этиши, муайян ғайриқонуний вазиятларга таъсир кўрсатиш, аксил ижтимоий фаолиятни давом эттириш, энг аввало, майда безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари маъмурий жазога лойиқ ҳуқуқбузарликларни содир этиш ва унинг виктимлигини амалда тўхтатиш имконини беришини таҳлил қилиб берган. Шунингдек, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар виктимологик профилактикасининг индивидуал турини таҳлил қилинаркан, жабрланувчиларнинг реал ва потенциал турига, шунингдек уларнинг атрофидаги шароити, ижтимоий алоқалари ва микромуҳити ҳақида ҳам сўз юритилади. Индивидуал виктимологик профилактиканинг имкониятлари ва истиқболлари, жиноятдан (реал ва потенциал) жабрланганларнинг аниқ ифодаловчи иқрори, шахснинг эга бўлган шахсий ва ҳуқуқий тавсифи юқори виктимликни келтириб чиқариши асосланган. Диссертант ишда индивидуал виктимологик профилактиканинг мақсади шахснинг виктим хусусиятлари ва сифатларини ўрганиш орқали, унинг ҳуқуқатворини ўзгартиришга қаратилган ижобий ишларни амалга ошириш, шунингдек девиктимлашув жараёнини таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлайди.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун норматив ҳуқуқий базада камчиликлар мавжудлиги ва уни амалга ошириш юзасидан жойларда ташкил этилаётган ишларнинг аниқ бир меъёр асосида ўтказилмаётганлиги сабабли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасида жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш механизмни ўрганиш лозим бўлади Хотин қизларга нисбатан содир етиладиган зўравонликнинг виктимлигига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитлар мажмуи бир неча нисбий мустақил ва ўзаро боғлиқ яшаш муҳитларидан иборат. Макроижтимоий муҳит бу мамлакат, минтақадаги иқтисодиёт, ижтимоий шарт-шароитлар мажмуидан ташкил топади. Ҳар бир аниқ шахсга нисбатан унинг таъсири умумий характерга эга, яъни шахсни жиноят жабрланувчисига айланишига туртки берувчи омилларни кучайтирувчи ёхуд камайтирувчи бўлиши мумкин, лекин ҳал қилувчи бўлмайди. Микроижтимоий муҳит бу бевосита шахснинг доимий яшаш жойи, иш жойидаги вазияти, теварак атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатлари характери билан боғлиқ. Микроижтимоий муҳит таъсири ниҳоятда кучли бўлиши ҳисобга олиниши зарур.

Зўравонликни олдини олишда энг аввало ғайриижтимоий ҳуқуқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактика ишларини ташкил этиш лозим.

Зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар якка тартибдаги профилактикаси сифатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий ҳуқуқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир



фаолиятини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси виқтимологик профилактика доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда асосий эътибор ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виқтимлиги) юқори бўлган ва ундан жабрланган шахсларга қаратилади. Зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар тоифасига қуйидагиларни киритиш мумкин: ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар; ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар; ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар; зўрликдан жабрланиш эҳтимоли (виқтимлиги) юқори бўлган шахслар; ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ташкил этади.

Зўравонликнинг махсус профилактик чора-тадбирларини ташкил этиш сифатида қуйидагиларни таъкидлаш жоиз, яъни ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси кўпинча криминоген ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилиши билан ўзига хос хусусиятга эгадир. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳисобланади. Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш борасидаги махсус профилактика чора-тадбирлари: илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик чора-тадбирлари ўтказилади.

Хулоса сифатида айтиш, мумкинки, профилактика инспекторлар хотин қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонликнинг виқтимологик профилактикаси бўйича маъмурий ҳудудда яшовчи фуқароларга қуйидагиларни тушунтиришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим:

- ички ишлар, прокуратура органлари ва судга шахсга қарши зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши билан кўрқитилганлиги ҳақида мурожаат этишини; тиббий муассасага мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни;
- зўравонликлардан жабрланган шахсларни эса вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруғлар олдида) бўлишини тушунтириш;
- ҳимояланиш учун шахсий хавфсизлик ҳақида ёки ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд усул ва воситалари ҳақида юридик маслаҳат олишни;
- зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш ва унга танбеҳ бериш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ва бошқалар.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-



- тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон (14.03.2017 й.) қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 12. – 184-м.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 4 январ, ВМҚ 3-сон // URL: <http://www.lex.uz>.
3. Қ.А. Саитқулов Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий кўлланма / Юрид. фан. д-ри, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – Т., 2015. – Б. 6.
4. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
5. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
6. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.
8. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
9. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
10. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
11. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
12. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.